

Хуршид УМИРОВ

Тошкент давлат иқтисодийёт университети

БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МОЛ-МУЛК СОЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ХУСУСИДА

***Аннотация:** Мақолада Янги Ўзбекистон солиқ тизими модернизацияси шароитида бюджет даромадларини шакллантиришда мол-мулк солигининг аҳамиятини ошириш масалаларига янгича ёндошувнинг зарурлиги, асосий йўналишлари тадқиқ этилган. Янги Ўзбекистонда амалдаги солиқлар тизимини бошқаришда мол-мулк солиғи маъмуриятчилигининг муаммолари ҳамда ўзига хос хусусиятлари ёритилган, мамлакатимизда мол-мулк солиғи амалиёти истиқболлари тадқиқ этилган ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.*

ON A NEW APPROACH TO THE ISSUES OF INCREASING THE IMPORTANCE OF PROPERTY TAX IN THE FORMATION OF BUDGET REVENUES

***Abstract:** In the article, the need for a new approach to the issues of increasing the importance of property tax in the formation of budget revenues in the context of the modernization of the tax system of New Uzbekistan, the main directions are researched. The problems and specific features of the property tax.*

***Калим сўзлар:** солиқ, мол-мулк, мол-мулк қиймати, мол-мулк баланс қиймати, мол-мулк кадастр қиймати, мол-мулк солиғи, юридик шахслардан мол-мулк солиғи, жисмоний шахслардан мол-мулк солиғи, мол-мулк солиғи маъмуриятчилиги, кўчмас мулк солиғи.*

Кириш

Мамлакатимизда бюджет даромадларини шакллантиришда мол-мулк солигининг аҳамиятини ошириш масалалари юзасидан олиб борилаётган ислохотларда «...солиқларнинг барқарор тушумини таъминлаш, солиқ юкини изчил камайтириш негизида аҳоли реал даромадларини ошириш орқали иқтисодий ўсишга позитив таъсир этувчи ўзаро уйғунлашган солиқ тизимини шакллантиришга эътибор қаратилмоқда»[1]. Ҳозирда аҳолининг янада тўлиқ ва самарали бандлигини таъминлаш, мулки ва активлари қийматининг муттасил ошиб боришини кафолатлаш, солиқ юкини аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида текис тақсимлаш, мавжуд имтиёزلарнинг самарадорлигини баҳолаш ва оптималлаштириш аҳамиятининг ўсганлиги мол-мулк солиғи маъмуриятчилигини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистонда бюджет даромадларини шакллантиришда мол-мулк солиғининг аҳамиятини оширишга қаратилган ислохотларнинг моҳияти мол-мулкдан самарали ва оқилона фойдаланишни солиқлар воситасида рағбатлантириш, солиқ юкини солиқ тўловчилар ўртасида адолатли тақсимлаш ва бу борада, «ҳар бир туман ва шаҳарда, солиққа тортиш базасини кенгайтириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш»[2], эгалликда ва фойдаланишда бўлган мулк ва капиталга илмий асосланган ҳолда солиқ солиш масалаларига қаратилган. Ҳозирда мол-мулкдан самарали фойдаланишнинг солиқ омиллари масаласи Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича Йўл харитаси[3] да муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган.

Умуман, бюджет даромадларини шакллантиришда мол-мулк солиғининг аҳамиятини ошириш, мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва ундириш тартибини такомиллаштириш мақсадида мол-мулкни самарали бошқаришдан манфаатдорликни ошириш, маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштиришда ушбу солиқ салмоғини кўпайтириш иқтисодчи-олимларимиз ва соҳа мутахассислари ўртасидаги муаммоли масалалар бўлиб, бу борадаги муаммоларни тадқиқ этиш ушбу илмий мақоламиз мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Маҳаллий бюджет даромадлари самарадорлигини оширишда хорижлик олимлар А.Смит, Д.Рикардо, У.Петти, Д.Вайлдасин, У.Оутс, Р.Масгрейв, Ф.Хайк илмий асарларида учрайди. Маҳаллий бюджетлар даромадларини тартибга солишнинг концептуал асослари МДҲ мамлакатлари олимлари А.Бабич, Л.Гончаренко, В.Пансков, В.Пушкарева, И. Майбуров, Н.Миляков, В.Родионова, М.Романовский, Т.Ткачева, Д.Черник, Т.Юткиналарнинг илмий тадқиқотларида тадқиқ этилган. Маҳаллий бюджет даромадлари самарадорлигини оширишнинг тадқиқ этишнинг айрим жиҳатлари маҳаллий иқтисодчи-олимлар хусусан, А.Исламкуловнинг фикрича, «маҳаллий бюджет даромадлари бир томондан ишлаб чиқариш жараёнининг иштирокчилари ўртасида ялпи ички маҳсулот қийматини тақсимлаш натижаси ҳисобланса, иккинчи томондан маҳаллий аҳамиятга эга пул жамғармасини шакллантиришга хизмат қилувчи қийматдир»[4]. А.Хайриддиновнинг фикрича, «маълум бир нисбатдаги бириктирилган ва тартибга солувчи даромадлардан иборат бўлган, алоҳида олинган маҳаллий маъмурий ҳудуд доирасидаги бюджет тадбирларини ўз вақтида ва белгиланган суммаларда узлуксиз молиялаштириш имкониятини таъминлашга маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлиги дейилади»[5].

барқарорлигига таъсир кўрсатадиган омилларни бевосита ва билвосита гуруҳларга ажратган ҳолда таҳлил этган. Ш.Мусалимовнинг фикрича, «маҳаллий бюджетларнинг даромад салоҳияти кенг маънода ҳудуд маҳаллий бюджетларининг мавжуд бўлган максимал ресурслар йиғиндиси ҳисобланади»[6]. Хорижий олимлардан Т.Ткачеванинг фикрича, «ҳудудларда ражасидаги бюджетни комплекс такомиллаштириш асосида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун жалб қилинган молиявий ресурсларнинг ҳудудий бюджет харитасини шакллантириш, бюджет маблағларини ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга сарфлаш самарадорлигини баҳолашнинг янги воситаларидан фойдаланиш лозим бўлади»[7]. Г.Морунованинг фикрига кўра, «замонавий муниципал маблағларнинг асосий ажралиб турадиган хусусияти, асосан, маҳаллий бюджетлар томонидан ифодаланганлиги билан боғлиқ бўлиб, «муниципал молия» деганда маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёридаги маблағларни шакллантириш ва сарфлаш учун пул муносабатларининг мажмуи тушунилиши керак»[8]. Д.Нехайчук, Ю.Нехайчукларнинг фикрича, «маҳаллий бюджет даромадлари маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асосининг муҳим таркибий қисми сифатида маълум маъмурий-ҳудудий бирлик таркибидаги маблағларни аҳолининг айрим гуруҳлари, иқтисодиёт тармоқлари фойдасига қайта тақсимлаш, улар ривожланишини тартибга солувчи восита сифатида ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг барқарорлиги ва жамият мутаносиб ривожланишининг асосий белгилорчи мезонидир»[9].

Юқоридаги иқтисодчи олимларнинг асосий диққат марказида маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш ва барқарорлигини таъминлаш, уларнинг даромад базаларини мустаҳкамлаш ҳамда маҳаллий бюджетлар даромад манбаларини кенгайтириш ва шу асосда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий мустақиллигини таъминлаш каби масалаларга нисбатан кенгрок ўрин берилган.

Маҳаллий бюджетлар даромадларини тартибга солиш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш иқтисодий ҳамда ҳуқуқий омилларга боғлиқ бўлиб, бир гуруҳ иқтисодчи олимлар ушбу омиллар сифатида маҳаллий ҳокимият органлари ваколат ва маъсулиятини ошириш нуқтаи-назаридан, бир гуруҳ олимлар эса маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтириш орқали молиявий барқарорликка эришиш йўллари, бошқа бир гуруҳ иқтисодчилар эса даромадлар ва харажатлар мутаносиблигига эришиш орқали таъминлаш мумкинлигини эътироф этиб ўтади.

Ҳ.Қобуловнинг фикрича «ҳудудларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда амалга оширилаётган ислохотлар талабларининг ўз вақтида бажарилиши маҳаллий ҳокимият органлари самарали фаолиятининг асосий

шартидир». Муаллиф фикрича «маҳаллий бюджетларни шакллантиришда бир қатор муаммоларнинг мавжудлиги, маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини ошириш, хусусан, уларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади»[10].

У.Ўроқовнинг фикрича «маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш, қўшимча даромад манбаларини шакллантириш ва захираларини аниқлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари манфаатдорлигини ошириш»[11] кераклигини таъкидлайди.

Таҳлил ва натижалар

Мамлакат ҳудудлари кесимида маҳаллий бюджетлар даромадларининг шаклланиш жараёни ҳамда сўнгги йиллардаги ўзгариш динамикасини таҳлил қиладиган бўлсак, мазкур даромадларнинг таҳлил қилинаётган йилларда мунтазам ўзгариб борганлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Маҳаллий бюджетлар даромадлари ўзгариши динамикаси

№	Ҳудудлар номи	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й	2022 й	2023 й
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2241,1	2953,3	2743,9	1869,2	2356,2	2703,3
2	Андижон вилояти	1709,0	2624,6	2105,9	2418,5	3059,4	3802,7
3	Бухоро вилояти	1383,0	2409,5	1782,9	2374,1	2904,0	3817,2
4	Жиззах вилояти	948,3	1240,9	1058,0	1460,4	1727,2	2184,9
5	Қашқадарё вилояти	2341,1	3783,9	2468,8	2722,1	3483,0	4561,2
6	Навоий вилояти	1217,1	1877,8	1540,9	1948,9	2186,3	2993,6
7	Наманган вилояти	1360,0	2237,8	1763,0	2297,0	2903,2	3713,4
8	Самарқанд вилояти	1970,8	2567,2	2385,6	3154,7	3955,5	49588
9	Сурхондарё вилояти	1378,3	1844,9	1605,7	1993,2	2466,9	3042,3
10	Сирдарё вилояти	710,2	816,7	716,5	881,6	1104,5	1406,1
11	Тошкент вилояти	1949,3	3721,5	2395,5	3734,1	4378,9	5866,2
12	Фарғона вилояти	1833,2	3836,1	2677,3	3665,1	4242,5	5437,8
13	Хоразм вилояти	1106,3	1467,3	1302,7	1743,1	2220,6	2719,2
14	Тошкент шаҳри	2796,4	3752,8	3156,3	4911,4	6044,7	7739,3
	Жами	22944,3	35134,2	27702,9	35173,4	43032,9	99575,2

1-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, таҳлил этилаётган 2018-2023 йилларда ҳудудлар маҳаллий бюджетлари даромадлари ошиб бориш тенденциясига эга бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли Қарорининг 34-банди, д-кичик бандида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ

депутатлари Кенгашларига харажатларнинг етишмаётган суммасини алоҳида туманлар ва шаҳар бюджетларини режалаштиришда шаклланадиган ортиқча даромадларни бюджет даражалари ўртасида қайта тақсимлаш ваколоти берилган.

Бугунги кун амалиётида ушбу бириктирилган солиқлар ва йиғимлардан тушумлар маҳаллий бюджетлар даромадларини тўлиқ шакллантириш имкониятини бермаяпти. Бу борадаги муаммолар бир қатор тадқиқотларда ҳам қайд этилган. «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджетлар таркибида биринчи молиявий манба сифатида қаралса ҳам, бу солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджетларга бириктирилган харажатларини етарли молиявий манба бўла олмайди» [10].

2-жадвал

2018-2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларида маҳаллий солиқларнинг аҳамияти, фоизда*

№	Кўрсаткичлар	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й	2022 й	2023 й
1	Давлат мақсадли жамғармалар даромадларисиз – жами	100	100	100	100	100	100
2	Шундан:						
3	Маҳаллий солиқлар жами:	7,2	4,2	3,2	4,0	4,6	4,8
4	Мол-мулк солиғи	3,3	2,1	1,5	1,5	1,75	1,8
5	Ер солиғи	1,9	2,1	1,8	2,5	2,85	3,0
6	Бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ	2,0	-	-	-	-	-

*Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилди.

2-жадвал маълумотларидан кўринишича, маҳаллий бюджетларга бириктирилган солиқлардан тушаётган даромадлар маҳаллий бюджетларнинг даромадларида катта салмоқда эга эмас. Фикримизча, бу нафақат маҳаллий бюджетларга бириктирилган солиқларни жорий қилиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаслик билан балки маҳаллий бюджетлар даромадларини тартибга солишда қўлланилаётган амалиёт билан боғлиқдир. Маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлари ҳисобланган мол-мулк ва ер солиқларидан тушумларда юридик шахсларнинг улуши юқоридир, бу эса ўз навбатида туман ва шаҳарларда ундирилаётган ушбу солиқлардан тушумларнинг аксарият қисми юқори бюджетга йўналтирилаётганлигини, бу туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигига таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва ер солиқларидан тушумларни туман ва шаҳарлар маҳаллий

бюджетларига йўналтириш асосида маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш имконияти яратилади.

Янги Ўзбекистон солиқ тизими модернизацияси шароитида бюджет даромадларини шакллантиришда мол-мулк солиғининг аҳамиятини ошириш масалаларига янгича ёндошувнинг мақсади бўлиб мол-мулк солиғи фискал аҳамиятини ва улардан самарали фойдаланишнинг солиқлар орқали тартибга солиш механизмлари ва чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Кўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар амалга оширилмоғи лозим:

- юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкидан олинадиган солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги аҳамиятини ёритиш;

- юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкидан олинадиган солиқларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

- юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкидан олинадиган солиқларнинг элементлари ва уларнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш;

- юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкидан олинадиган солиқлар амалиётига оид илғор хорижий тажрибаларни тадқиқ қилиш ва миллий иқтисодиёт шарт-шароитларига асосланган ҳолда улардан фойдаланиш имкониятларини асослаш;

- юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкидан олинадиган солиқларнинг фискал самарадорлигини баҳолаш;

- юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкидан олинадиган солиқлар бўйича белгиланган ставкалар шароитида оптимал солиқ юкини шакллантириш имкониятларини таҳлил қилиш;

- юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкидан олинадиган солиқлар бўйича белгиланган имтиёзлар самарадорлигини комплекс баҳолаш ва уни оптималлаштириш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;

- юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкини солиққа тортиш тизимининг янги модели шароитида солиқ ставкаларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Хулоса ва таклифлар

1. Янги Ўзбекистон шароитида бюджет даромадларини шакллантиришда мол-мулк солиғининг аҳамиятини ошириш масалалари муҳим вазифа ҳисобланади.

2. Янги Ўзбекистон шароитида бюджет даромадларини шакллантиришда мол-мулк солиғининг аҳамиятини ошириш масалаларига янгича ёндошув шуни англатадики, унинг асосида илк бор Янги Ўзбекистонда давлат солиқ сиёсатининг концептуал асослари доирасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболдаги вазифаларини

ҳисобга олган ҳолда бюджет даромадларини шакллантиришда мол-мулк солиғининг аҳамиятини ошириш масалаларини тизимли тарзда тадқиқ этиш ва унинг такомиллашган механизмни ишлаб чиқиш ётади.

3. Айтиш жоизки, 2022 йилдан мамлакатимизда мол-мулк солиғи ва ер солиғини биргаликдаги ҳисобини юритишга асосланувчи кўчмас мулк кадастрини яратишга ҳаракат бошланганлигига қарамасдан, ханузгача кўчмас мулкни кадастр баҳолашни тартибга солиш муаммоси мавжуд.

Кадастр ҳисоб-варағида жойлашган кўчмас мулк солиққа киритилмайди, лекин унинг қиймати инвентаризация қилинмайди ва солиққа тортилмайди, чунки солиқ солинадиган базани аниқлаш қийин. Бу хусусий мулкни солиққа тортишнинг янги механизмни жорий этишнинг ҳам олдини олади. Ушбу мулкларга боғ-уйлари, алоҳида гаражлар ва дача амнистиясига мувофиқ рўйхатга олинган уйлар киради.

4. Ўзбекистон Республикасида мол-мулкка солиқ солиш механизмнинг асосий хусусиятлари ва солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш ҳамда ушбу солиқларнинг асосий функцияларини амалга ошириш жараёнида аниқланган камчиликларни таҳлил қилиш, бизнинг фикримизча, фаолият самарадорлигини ошириши мумкин бўлган таклифларни шакллантириш имконини берди:

Биринчидан, барча кўчмас мулк объектлари ва уларнинг кадастр қиймати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган кадастр рўйхатидан ўтказиш тизимини яратиш Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бюджетларнинг даромад қисмини объектив асослаш имконини беради; солиқ тўловчилар - солиқ давригача бўлган мол-мулк солиғи бўйича тўловларни ҳисоблаш; солиқ органлари - солиқ солинадиган база устидан назоратни амалга ошириш ва солиқ маъмуриятчилиги харажатларини сезиларли даражада камайтириш.

Иккинчидан, кўчмас мулкни баҳолаш тартиб-қоидалари, бизнинг фикримизча, тегишли меъёрий-ҳуқуқий ёрдамни ва баҳоловчиларнинг юқори касбий малакасини талаб қилади, бу эса қуйидагиларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни талаб қилади: кўчмас мулкни кадастр баҳолаш ишларини олиб бориш бўйича кўрсатмалар; кўчмас мулкни кадастр баҳолаш натижаларини текшириш бўйича кўрсатмалар. Солиқ мажбуриятларини белгилашда (солиқ имтиёзлари ва ставкалари миқдори) солиқ тўловчиларнинг даромадлари даражасини ҳисобга олиш муҳимдир, чунки бу кам даромадли жисмоний шахслар учун солиқ юқини оптималлаштиради.

Учинчидан, жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича тўловлар миқдорини ҳисоблаш билан боғлиқ муаммо (солиқ тўловчилар миқдорни мустақил равишда тўғри аниқлашлари ва хабарномада кўрсатилган қиймат

билан солиштиришлари мумкин)ни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига солиқ хабарномаларида батафсил алгоритмни зарур тушунтиришлар билан кўрсатувчи қондани мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20 ноябрь 2020 йилдаги “Солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №736-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги №ПФ-60-сонли Фармони.
4. Исламкулов А.Х. Маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2016 й, № 4.
5. Хайриддинов А. Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлаш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореферати. Тошкент– 2011. 21-б.
6. Мусалимов Ш.И. Доходный потенциал местных бюджетов: особенности и проблемы формирования в современных условиях. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” Илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2020 й. б-16-24.
7. Ткачева Т.Ю. Бюджетно-налоговые механизмы устойчивого развития регионов: теория и методология. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Москва 2019 стр-55.
8. Морунова Г.В. Муниципальные финансы в трансформационной экономике. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Санкт-Петербург-2020.стр-32.
9. Нехайчук Д.В., Нехайчук Ю.С. Укрепление бюджетного потенциала для обеспечения финансовой независимости органов местного самоуправления. Science Journal of VolSU. Global Economic System. – 2018. - Т.20. №1. – С. 99-109.
10. Қобулов Ҳ. Обеспечения финансовой устойчивости местных бюджетов путем улучшения финансового потенциала региона. Современная



наука актуальные вопросы, достижения и инновации. г.Пенза, 20 мая 2020 г. стр-47.

11. Ўроқов У.Ю. Маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишни такомиллаштириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) дисс автореферати. –Т.: 2020. –б. 57.